

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 13 ноябрь. Чоршанба №96 (958) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу ҳужжат экологик назорат самардорлигини ошириш, давлат муассасалари, фуқаролик институтларининг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, самарали экологик назоратни амалга оширишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим давлат дастурларини ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ношароит ташкилотлари ҳамда бошқа жамоатчилик ташкилотларининг ролини мустақамлашга қаратилган.

Жорий йилнинг июль ойида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганидан кейин у кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгашининг қарорига кўра қонун лойиҳаси «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида chop этилди. Қонун лойиҳасини муҳокама этиш доирасида Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, манфаатдор идоралар, Экоҳаракат, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Нодавлат ношароит ташкилотлари миллий уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, шунингдек, олимлар, амалиётчи мутахассислар, ОАВ вакиллари иштирокида ўнлаб анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказилди.

Шунингдек, қонун лойиҳаси Чет эл экспертлари ҳамжамиятининг (Япония, Германия, Италия, Франция, Бельгия) вакиллари иштирокида ҳам муҳокама этилди. Уларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги энг муҳим давлат дастурларини ҳал этишда нодавлат

ношароит ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари самарали иштирок этиши учун ноёб имконият яратлади. Қонун лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамаси чоғида бир неча минг тақлифлар, фикр-мулоҳазалар ва шарҳлар келиб тушди. Шундан энг асослилари ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлашда инobatта олинди.

Моддама-модда батафсил муҳокамадан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси масъул кўмитига ҳужжатни тайёрлаш ва уни Олий Мажлис Сенатига юборишни топириб, қонун лойиҳасини қабул қилди.

Шундан сўнг парламент кўйи палатаси вакиллари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Бу ҳужжат «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши муносабати билан ишлаб чиқилган ва амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, унинг нормаларини қабул қилинган қонунга мувофиқлаштиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ер, Уй-жой кодексларига, «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли туза-тишлар киритилмоқда.

Атрофлича муҳокамадан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ушбу қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулади ҳамда депутатларнинг фикрларини инobatта олган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул кўмитига ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш топириди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва тақлифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳар бир лойиҳаси бўйича партия дастурлари ва сайловчиларнинг фикрларини инobatта олган ҳолда ишлаб чиқилган ўз нуқтаи назарини билдирдилар. Депутатлар кўриб чиқилган қонун лойиҳаларининг мамакатимиздаги экологик ҳолатни яхшилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятимиз ҳаётидаги ролини ошириш учун муҳим эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ЖАРАЁН

Мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бошланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ мамлакатимизда ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади. Бу галги сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 97 минг нафардан ортиқ маслаҳатчиси сайланади.

— Мамлакатимизда сайловга тайёрлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш борасида тегишли

идоралар ҳамкорлигида барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раисининг уринбосари С.Ортиқова. — Жумладан, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул булган ишчи гуруҳ томонидан жойларда қатор ишлар амалга оширилди. Сайлов билан боғлиқ маса-

лалар юзасидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилади. Фуқаролар йиғини, фуқаролар вакиллари йиғини йиғилишларини ўтказишга кўмаклашилади. Унда ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллари иштирок этиди. Улар томонидан курсатилган муносиват номзодлар тегишли тартибда рўйхатга олинди. Мазкур номзодлар ҳар бир маҳаллада камида икки, уч нафар, айримларида ундан ҳам ортиқни ташкил этиди.

> [2]

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

ВАКОЛАТЛАР КўЛАМИ НУФУЗ ВА МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ

Маҳалла азалдан халқимизнинг миллий қадрияти сифатида шаклланиб, аҳолининг тинч-тотув яшашини таъминлаш, оилаларни мустақамлаш ва ёшлар тарбиясида муҳим омил ҳисобланган.

Истиқлол йилларида муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқаролик жамиятининг муҳим бўлини сааналган мазкур институтни ривожлантириш, ваколатларини кенгайтириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Соҳага оид қонунчилик базаси такомиллаштирилади. Унга хос маҳаллий бошқарув органи булган фуқаролар йиғинларига раис ҳамда

уларнинг маслаҳатчилари айнан демократик тамойиллар асосида, сайлов йўли билан танланиши эса тизимнинг нуфузи янада ортишига, ўз навбатида, соҳа ходимлари зиммасидаги масъулиятнинг кучайишида муҳим омил бўлмоқда.

Бундан икки ярим йил муқаддам Наманган вилоятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сайловлар-

да халқ 855 нафар раис ҳамда уларнинг 10 минг 99 нафар маслаҳатчисига ишонч билдирган эди. Орадан ўтган қисқа вақт ичида улар томонидан йиғинлар олдига қўйилган устувор вазифалар ижроси, хусусан, ҳудудлар ободлиги, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги, оилалар мустақамлиги йўлида талайгина ишлар бажарилди. Бунда, айниқса, илк бора раис (42 фойз) ҳамда маслаҳатчи (45,1 фойз) сифатида сайланганларнинг жонқуярлиги, фаолиги алоҳида эътирофга лойиқ.

> [2]

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ

катта мақсадларга ундайди



Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалла фуқаролар йиғинини спортчилар маҳалласи, десак муболага бўлмайди.

Чунки унинг ҳудудида 38-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 13-сонли Болалар ва ўсмирлар ёшқ суз ҳавзаси, 5-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва 19

та болалар майдончаси бўлиб, маҳалланинг каттаю кичиги спорт билан мунтазам шугулланади. Жорий йилда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ўтказилган

«Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» мусобақасида айнан қушбегилик Муроджон ва Шаҳлохон Иброҳимовлар оиласи шухаб голиби булгани сўзими исботидир. Шунингдек, йиғин фаолиятининг ташаббуси билан хотин-қизлар ўртасида «Соғлом аёл — соғлом ҳаёт» номли мусобақа ташкиллаштирилиб, у бешта: 127- ва 319-умумтаълим мактаблари жамоалари, маҳалланинг фаол аёлларидан иборат «Қушбеги» жамоаси, Тижорат ҳамда касб-хунар коллежи жамоалари ўртасида ўтказилди.

> [4]



ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Мустақиллик йилларида халқимизга хос меҳор-оқибат, саховат, мурувват каби фазилатлар янада сайқал топиб, янгича мазмун-моҳият касб этганиги тўғрисида бугун андижонликларнинг ҳам турмуши фаровон, оиласи тинч ва осуда. Республикаимизнинг чегара ҳудудида жойлашган туманимизда амалга оширилётган улкан бунёдкорлик ишлари, янги-янги корхоналар, бир-биридан кўркам турар-жой ва маданий-маиший бинолар ҳақида гапириш баробарида, водийликларнинг фаҳрига айланган Чилустун тоғ тизмалари ён-барғидаги минглаб гектар боғ-роғларни фахр билан таъкидлаш жоиз. Бир пайтлар қанчадан-қанча тоқзор ва мевали боғлар эътиборсизлик оқибатида кўриб битган эди. Мустақиллик шарафати билан юртимизда пахта-галла фермер хўжаликлари қатори боғдорчиликка, узумчилик равнақиға эътибор кўчиди. Эндиликда туманимизнинг кенг ва раван йўллари ёқасидаги кўзни яшатиб, дилга хузур бағишловчи боғлар булоқбошликларнинг ифтихорига айланди. Айниқса, «Ширмонбулоқ», «Даврон ота», «Абдурашид Мичурин» кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг сархил мевалари нафақат Андижон вилояти, балки республикамиз аҳолиси дастурхонини ҳам безамоқда.

Вилоятда етиштириладиган сархил ноз-неъматлар қаторига субтропик мева — киви ҳам қўшилди.

Чилустун тоғ тизмалари ён-барғида дастлаб 1999 йили киви кўчатлари ўтқазилганда, кўпчилик унинг унинг кетишига ишонмаган эди. Субтропик климат шaroитида томир отиб, ҳосил берадиган бу дарахт еримизда ҳам яйраб ривожланди. Айни кунларда эса гўж-гўж ҳосилга кирди. Мевалар кўз охираши билан узилиб, бозорларга чиқарилмоқда.

Бундай хайрли ишлардан фуқаролар йиғинлари ҳам четда тургани йўқ. Ўтган йили ҳудудимиздаги «Шарқ юлдузи» маҳалласи фаоллари ташаббуси билан салкам 2 гектарлик ташланқ майдонда интенсив боғ ташкил этилди.

Яқинда бўлинимиз яна бир хайрли тадбирга бош бўлди. 2013-2014 йилларнинг қиш-бахор фосспорида мавжуд 37 та маҳаллада алоҳида боғ барпо этиш бўйича туман ҳокимлигига лойиҳа тақдим этилди. Ҳокимлик уни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Яқин йилларда Булоқбошликнинг зилот булоқлари қаторида маҳалла боғлари ҳам машҳур бўлишига шубҳа йўқ. Зеро, бу ерда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг қалби булоқдек қайнаб, ҳаммиса кўриқ ерларга жон бағишлайди, юрт жамолини ёшартириб, ҳаёт завқини оширади.

Муҳаммадбашир ҚАВЛОНОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Булоқбоши тумани бўлинимаси раиси вазифасини бажарувчи.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ОҚИБАТИНИ ЎЙЛАГАН ҚАДАМИНИ БИЛИБ БОСАДИ

Қирқ беш ёшли Шухрат Тожибоев — тошкентлик. Муқаддам судланиб, жиноий жавобгарликка тортилишга, тегишли жойларда «ўтириб келиш»га улгурган...

Ушанда у ўн йил озодликдан маҳрум этилган эди. Аммо унинг ўзи атиги уч йилдан сўнг озодликка қизишни ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Чунки Жиноят кодексининг узок муддат қамоқ жазосини кўзда тутувчи бир неча моддалари билан, яъни Конституцион тузумга тажовуз этиш, валюта қийматларини ноқонуний тарзда харид қилиш ва сотиш сингари жиноятларда айбланганди.

Давлатимиз раҳбарининг инсонпарварликка асосланган сиёсати амалий ифодаси булган амнистия Ш.Тожибоевга эркин ҳаёт эшикларини яна очди. Бу унга маънавий хиҳатдан покланиш учун бебаҳо имконият эди. Аммо...

> [3]

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

ЯНГИ КОРХОНА ИШ ЎРНИГА КАФОЛАТ

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда бандликни таъминлашга кўмаклашиш бугуннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.



Бу борада «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бош-

қаруви ва унинг ҳудудий бўлим ҳамда бўлиналари томонидан олиб бориладиган кенг қамровли чора-тадбирлар эътиборга молик. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида Фонднинг ҳудудий тузилмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан 9 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Маҳаллаларда 41 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш

шохобчаларининг ташкил этилишига, ҳудудларда 112 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилишига кўмаклашиди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида маҳаллаларда тадбиркорлик субъектлари сони ортиб, аҳолининг бандлик даражаси юксалмоқда. Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек тумани «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 6300 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Йиғин фаолилари кўмагида бандликни таъминлаш, кичик бизнесни ривожлантириш, ишлаб чиқариш тармоқларини йўлга қўйишда барча имкониятлар ишга солинмоқда.

> [3]

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

ЯНГИ КОРХОНА ИШ ЎРНИГА КАФОЛАТ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Айни пайтда маҳалла ҳудудида 26 та кичик тадбиркорлик субъекти, давлолаш маъмурияти, 6 та дорихона, 2 та новвойхона, 3 та саргарошхона ва бир нечта маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Улар аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш баробарида бандликни таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

— Ҳудудимизда ташкил этилаётган янги корхоналар ҳамда ишлаб чиқариш цехлари кафолатли иш ўринлари яратиш имконини бермоқда, — дейди «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинининг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш ма-

салалари бўйича комиссия раиси Мазлума Зоҳидова. — Айниқса, касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизларни иш билан таъминлашда тадбиркорларнинг кўмаги муҳим ўрин тутмоқда. Жорий йил 40 нафар йигит-қиз касб-ҳунар коллежларини тамомлади. Улардан 15 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди. 8 нафари олий ўқув юртига ўқишга кирди, 2 нафари ҳарбий хизматини ўтатмоқда, қолганлари ўқув курсларида билим олмоқда.

Миробод тумани Ойбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам мана шундай саъй-ҳаракатларнинг самарасини кузатиш мумкин. 3500 нафардан

зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ушбу масканда 25 та хусусий дўкон, 6 та ошхона, 3 та саргарошхона ва гўзаллик салони, тикув цехи, йирик фармацевтика корхонаси, қолаверса, Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи, академик лицей ҳамда бир нечта банк муассасаларининг туман бўлиналари фаолият юритаётди. Тадбиркор, ташкилот ёки корхона мутасаддилари йигин фаолилари билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда иш тутмоқда. Чунки улар фаолиятининг ривожига йигин фаолилари тавсия этган, сигнал, маълумоти йирик-хотимларнинг зарурияти табиий ҳол.

Бундан ташқари, ёшларни иш билан таъмин-

лаш, уларда меҳнат қилиш кунликмасини шакллантириш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашишда туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини ҳамда турли ташкилотлар ҳамкорлигида меҳнат ярмаркалари ўтказилмоқда.

— Жорий йилда коллежимизни 473 нафар битирувчи тури йўналиш ва мутахассислик бўйича тамомлади, — дейди Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи директори Наргиза Пулатова. — Уларнинг муайян касб-ҳунар эгаллиши ҳамда меҳнат бозори талаблари асосида маълум мутахассис бўлиб етиштирилиши учун Миробод тумани ҳокимлиги, солиқ инспекцияси ҳамда туман прокуратураси ҳамкорлигида ҳафтанинг ҳар жума кунини ўтказиб келинаётган бўш иш ўринлари ярмаркасида қатнаштирилди. Бунинг натижасида 30 нафар битирувчи мутахассислиги ва турдош касблар бўйича иш бериш корхона, ташкилотлар билан шартнома имзолади.

Дарҳақиқат, ҳудудларда янгидан-янги корхоналар, ишлаб чиқариш цехлари, завод ва фабрикалар ташкил қилинади, аҳоли бандлиги ҳам таъминланади. Бундай саъй-ҳаракатларнинг замирида эса юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги мужассамдир.

Зебинисо ҲАЙИТОВА
«Mahalla»

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ОҚИБАТИНИ ЎЙЛАГАН ҚАДАМИНИ БИЛИБ БОСАДИ

< [1]

Тўғри, озодликка чиққан сўнг, икки-уч йил тинч-осойишта яшади. Бироқ ўша кунларнинг бирида, унга шундай мазмунда нома келди: «Биз сизни сабрсизлик билан кутяймиз, мулла Шуҳратбек!» Номани унинг собиқ маслақдоши Димурод Туропов олиб келганди.

Номадаги «мулла», деган сўзга эътибор берайлик. Бу сўз диний билимга эга саводли кишиларга ҳурмат, иззат-икром маъносига қўланади. Ш.Тожибоев бундай унвонга қай даражада муносиблиги мавзусига эса кейинроқ қайтамиз.

Тожибоев тузалиш йўлига киргани учун кечирилганди. Бироқ бу одам ўз қарашларини тезлик билан ўзгартириши мумкин, дегани эмас. Адашган кимса жамиятда ўрнини топиб олиши учун нафақат унинг ўзида мустақил ирода бўлиши, балки қариндошлари, қўни-қўшиналари, маҳалла фаоллари, ички ишлар ва давлат ҳокимияти идоралари ҳодимлари ҳам бу масалага масъулият билан ёндашувчи бўлиши талаб этилади.

Шуҳратнинг мисолида, санаб ўтилган ижтимоий мисолидан-янги турларидан қайси бириди ушбу масала билан етарли даражада шугулланмаганига яққол аён бўлади. Акс ҳолда у бу қадар тез собиқ маслақдошлари тасъирга яна тушиб қолмаган бўлар эди.

Ш.Тожибоев дастлаб Д.Туроповнинг гапларини истар-истамас тинглади. Бироқ аста-секин унинг маслаҳатларига амал қила бошлаганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Қаерга боришимиз керак? — Унчалик узоққа эмас, — деди Д.Туропов ишининг бу қадар енгил кўчганидан севиниб, — Зағноба туманидан ўтказилди. Маскур кўрикда беморларда аниқланган касалликлар амбулатор шартномада ва шифохоналарда соғомлаштирилмоқда.

Ҳудудда аҳоли ўртасида тиббий тарғибот ишлари мунтазам амалга оширилмоқда. Фуқаролар йиғини ҳамкорлигида «Саломатлик кунлари»ни ўтказиш анъанаси айланди. Ҳар бир ҳудудда «Саломатлик бурчаклари» ташкил этилиб, улар зарур адабиётлар ва қўлланмалар билан таъминланган.

Бугунги кунда қай бир қишлоқ врачлик пунктига борманг, унинг замонавий, кўрмак бинода жойлашганига, сифатли тиббий хизмат кўрсатиши учун барча шарт-шароит мавжудлигига, фуқаролар йиғинлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганига гувоҳ бўласиз. Бу эса тиббиёт соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг ишончли тизими яратилганидан далолатдир.

Омирбой ЕСБЕРГЕНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси.

пиш ва бирлаштиришдек масъулиятли вазифани юклаймиз. Моддий рағбатлантириш борасида ҳам еманг, бунинг биз ўз зиммамизга оламиз».

Чиндан ҳам пул борасида ҳеч қандай муаммо туғилмади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Чунки Шуҳрат Тожибоев сингари иродасиз кишилар ҳар қандай топшириқни сўзсиз адо этадиган «тирик роботлар» четдаги «дирижёрлар» учун айни муддао эди. Айланма йўллар орқали юртга қайтган Ш.Тожибоев енг шимариб ишга киришди. Қисқа муддат мобайнида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятларида яшовчи жиҳодчилик ҳаракати тарафдорларига айланган кишилардан иборат жиний гуруҳ тузди.

ЖИНОЯТЧИ ГУРУҲ

Гуруҳ аъзолари деярли тенгқур эдилар. «Газначи» Абдурашид Хоруннов ўттиз саккизга, Аҳмад ва Бобур Каримовлар ўттиз беш-қирққа киришганди. Ушмурод Ҳакимов ҳам қирқни қоралаган бўлса, Абдувоҳид Абдураҳмонов эндигина ўттиздан ошганди. Ҳар қайсининг икки-уч нафардан вояга етмаган болалари бор эди. 30-40 ёш инсон ҳаётдаги энг масъулиятли палла ҳисобланади. Одатда, бу пайтда у болаларнинг келажагини таъминлаш, ўзининг гаштли кекалиги учун мустаҳкам асос яратишга ҳаракат қилади.

Ушбу, бу кимсалар ўз куч ва имкониятларини нималарга сарфладилар? Бу савол атрофида узоқ мулоҳаза юритиш мумкин. Бироқ фойдаси йўқ. Чунки бундай гуруҳлар аъзоларига тасъир қилмайди. Уларнинг онги кўп йиллик таърибага эга «мутахассислар» томонидан тайёрланган, диний экстремизм ва айирмачилик голярига асосланган адабиётлар билан кучли заҳарлаб бўлинган. Ҳудди мана шу ўринда юқорида тилга олинган «мулла» сўзининг маъноси ҳақида яна бир бор ўйлаш жоиз. Ҳудди мана шу ниқоб остида ҳаракат қилаётган, ўзларини диний мураббийлар қилиб кўрсатаётган жиний гуруҳлар раҳбарлари юқорида номи кўриб этилганларга ўхшаш кишиларнинг ишонувчанлигидан, диний эътиқоднинг асл моҳияти ҳақида етарлича тасаввурга эга эмаслигидан фойдаланмоқдалар. Улар гўёки динни поклашни исташади. Лекин амалда теъкарисини қилмадилар. Инсонпарварлик, тинчлик ва адолат голярини ўз ичига олган исломнинг мақсад ва моҳиятини, муқаддас Қуръон сураларини нотўғри талқин қилиб, ўзларининг гаразли, жиний мақсадлари йўлида фойдаланадилар.

Диний саводхонлиги етарлича бўлмаган кишилар уларнинг «қармоғи»га тез иланишади. Улар давлат идоралари ҳодимлари обрўсига пугур етказувчи аборотларни тарқатишга ўз ҳиссаларини қўшишни, шунингдек, замонавий жамиятнинг гўёки шарият (дин ақидалари)га зид қонунларга бўйсунмаслиқни тарғиб этишни ўзларига катта шараф, деб ҳисоблайдилар.

Бундай шахсларнинг бора-бора тафаккури четдан туриб бошқариладиган «манқурт»ларга айланиб қолишларини исботлаб ўтириш шартмикин? Ш.Тожибоевнинг ўзи шунга ёрқин мисол эмасми! Ҳўш «мулла» Шуҳратбек, сизнингча бугунги жамият ҳаёти қоида ва меъёрларини белгиловчи қонунлар шариятга зид бўлса, бир эслаб кўринг-чи, ўзингиз қанақа чиниққан биродарлар кўп-ла керак бўлади. Биз сизга оқимимизга қизиқиш билдирувчи кишиларни то-



нидек, агар давлатимиз раҳбарлари тутаётган йўл нотўғри бўлса, сиз қилаётган жиноятларни авф этиш мумкинми? Ахир раҳм-шафқат, меҳр-мурувват ва бағрикенглик ифодали қилиб айтганда, муқаддас динимизнинг қон томирлари, илдиэлари-ку. Мусулмончилик дегани ўз боғига четдан туриб тош отмаслик, тинчликсевар юртининг оёсийшталлигини бузмаслик, дегани эмасми!

БЎШ ҚОП ТИК ТУРМАЙДИ

Ушбу иборанинг кўчма маъноси шуки, ҳар қандай ишнинг моддий манфаатдорлиги бўлади. Ҳудди шунингдек, жиний гуруҳ ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш ҳам анганина маблағ талаб этишни турган гап. Татқиқлаб ўтганимиздек, жиноятчиларнинг маблағ бобида муаммоси бўлмаган. Ҳўш, гуруҳ қандай молиявий манбалардан озиқланиш экан.

Пуллар О.Назаровнинг топшириғига қўра, Швециядан ҳар ойда жўнатиб турилган. Судланувчиларнинг иқдорларига қўра, улар ойна икки минг доллардан, йигирма минг долларгача маош олишарди. Пуллар қачон, қаерда, ким орқали етказиб берилиши Ш.Тожибоев ва Д.Туропов интернетдаги ижтимоий тармоқ орқали келишиб олишарди ва Д.Туропов мунтазам алоқа боғлаб, О.Назаровнинг янги топшириқларини етказиб турар эди.

Ҳайрон бўлгандирсиз: бу ўша, Тожибоевни Қозогистонга олиб келган Туропов эмасми деб? Ҳа, албатта. Ҳўш, унда у нега Шуҳрат билан фақат ижтимоий тармоқ орқали гаплашяпти, ўзи қаерда?

Гап шундаки, маслақдошларини қўшни давлат ҳудудида кўтиб олган Ҳасан исми йигит тезда қўлга олинган. Шундан сўнг Д.Туропов О.Назаровнинг ортидан Швецияга қочади. Мана марҳамату илтифот! Одамларнинг ва садақат ҳақида бонг урган бу кимсалар ўзлари хатарсиз жойда бикиниб, биродарларини охири вои ишларга жалб этишди. Уларнинг хавф остида қолдиришдан тап тортмадилар. Бу ислом ақидалари, садақат туйғули нари турсин, одамгарчиликнинг энг оддий қоидаларига ҳам тўғри келмайди-ку.

Шунинг ўзи ҳам ўзларини «шариат раҳнамолари» деб кўрсатмоқчи бўлаётган О.Назаров ва гунаҳтарафининг асл башарасини яққол намоён қилиб турибди. Ҳўш, қайси ҳақиқий мусулмон қўра-била туриб ўз биродарларининг ҳаётини гаровга қўяди.

Дарвоқе, ўзларининг нопок ишларига «диний либос» кийдиришга уринаётган бу кимсалар диндорлардан бадал тариқасида йиғилдиган молиявий маблағларга ҳам «байтулмол» деган исломий ном қўйиб олишган. Ҳолбуки, бу сўз кўп асрлардан буюн эзгу ва хайрли ишлар учун мулжалланган жамғарма маъносини англатиб келади. Йиғилган пуллар одамлар ўртасида ваҳима кўтариш, уларнинг тинчилиги ва оёсийшталлигини бузишга сарфланаётган бўлса, қанақа

хайрли иш ҳақида гапириш мумкин?

Таассуфки, улар диний билимга эга бўлмаган йигит-қизлар онгини заҳарлаш борасидаги хатти-ҳаракатларини «сабов» (хайрли омил), деган юксак маъноли ибора билан тушунтиришга уринадилар. Шу тариқа уларнинг ҳаётлари издан чиқишига сабабчи бўладилар. Агар чиндан ҳам бу иш «сабов» бўлса, нега ўша раҳнамоларнинг ўзлари хорижий мамлакатларда яшириниб юришибди? Уларга нариги дунёда жаннатга тушиш учун, бу дунёда сабов йиғиш шарт эмасми? Улар ўзларини шу даражада пок ва бунга эҳтиёж йўқ, деб ҳисоблашадими?

ФАКТ ВА РАҚАМАЛАР

Дастлабки тергов домида аниқланишича, кейинги уч йил мобайнида жиний гуруҳ «байтулмол»дан юз минг АҚШ доллари миқдорига маблағ олган. Ҳўш, бу маблағлар нимага сарф қилинган? Жавоб оддий ва жиддий. Оддийлиги шундаки, бу пулларга биттадан «Нексия», «Матиз» автомашиналари, бир нечта компьютер техникаси тўпмалари харид қилинган. Ана шу воситалар ёрдамида «раҳнамолар» томонидан электрон шаклда юборилган, экстремистик мазмундаги материаллар, адабиётлар, CD ва DVD дисклари шаклида кўпайтирилган ва тарқатилган.

Жиддийлиги ва оғриқли жиҳати шундаки, танадаги жароҳатини тегишли муолажалар билан даволаш мумкин, аммо онг яралган бўлса-чи?..

Тарқатилган китобларнинг мазмун-моҳиятини номларининг ўз ҳам айтиб турибди. «Диннинг уч асоси», «Ал-Имом Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб», «Тинглашда ва итоат этишди», «Ибодат қилиш учун бирлашув», «Обид қори — Би-Би-Си меҳмони». Ва бу улардан айримлари, холос.

Гуруҳ «газначиси» А.Хорунновнинг уйини тинтув қилиш чоғида яна тахминан тўқсон минг АҚШ доллари ва йигирма миллион сўм пул, шунингдек, турли оргтехника воситалари топилди ва ашёвий далил сифатида олинди. Маълум бўлишича, гуруҳ аъзоларини моддий таъминлаш, пул маблағларидан ташқари, тила тақинчоқлар шаклида ҳам амалга оширилган.

ОҚИБАТЛАР

Шубҳасиз, судланувчилар қонуний жазага тортилдилар. Олинган пул маблағлари, олтин бўмалар, алоқа воситалари ва автомашиналар белгиланган тартибда мусодара этилди.

Ушбу мақолада биз қилган жиноятларни муфассал таъсирлаб ўтирмадик. Газетхонларга макур жиноят ҳақида етарлича тасаввур беришчи фактларнинг келтириш билан чекландик, холос. Уйлаймизки, муҳирини, жиноят тафсилотларини баён қилиш эмас, унинг оқибатлари ҳақида фикр юритишдир. Зеро, оқибат ҳақида ўйлайдиган киши ҳар бир қадамни билиб босади ва шундангина бу бетин дунёда ўзини тинч ва оёсийшталган ҳис этади.

Абдулла АЛИМОВ
(uz24.uz сайтидан олинди)

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

САЛОМАТЛИККА ҲАР КУНИ ВА ҲАР ҲУДУДДА ЭЪТИБОР БОР

Кейинги йилларда маҳаллалар ўзлари жойлашган ҳудуд билан боғлиқ масалаларга кўпчилик ёрдамида ечим топадиган ҳамда кишиларни хайрли ишлар сари етаклайдиган маскан сифатида яндо равиқ топди. Унга бўлган эътибор ҳар томонлама ошди.

Шунга мос равишда бугун маҳаллалар томонидан жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳоли, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш каби йўналишларда қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, жамоатчилик назорати исчи давом эттирилмоқда. Бу эса жойларда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Маълумки, жамоатчилик назоратининг муҳим йўналишларидан бири, шубҳасиз, қишлоқ врачлик пунктлари, тиббиёт муассасалари ва оилавий поликлиникалар раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш саналади. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими маълумотига қўра, жорий йилнинг ўтган даврида ҳудуддаги фуқаролар йиғинлари томонидан оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилган. Натижада аксарият масалалар ўз ечимини топиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

— Яқинда қишлоғимиздаги врачлик пункти бош шифокорининг ҳисоботини эшитдик, — дейди Нукус туманидаги «Саманбай» қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Замира Бердибева. — Унда фуқаролар йиғини ҳамда тиббиёт муассасаси ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик самараси ўлароқ, аҳолининг тиббий

даги «Катти агар» қишлоқ врачлик пункти мудираси Маржан Ишанбаева. — Қолаверса, энг зарур тиббиёт воситалари билан жиҳозланган, малакали шифокорлар меҳнат қилаётган бу муассасаларда олиб борилаётган даволаш-профилактика ишлари сифат жиҳатидан юқори даражага кўтарилиб бораётди.

Дарҳақиқат, бир пайтлар ташхис қўйиш, оддий хасталикни даволаш учун ҳам туман марказига боришга тўғри келган. Шу тўғри, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини назорат қилишда жиддий муаммолар туғиларди. Ҳозирги кунда тиббиёт соҳасида исчи олиб борилаётган ислохотлар чекка ва олис қишлоқларни, овулларни ҳам тўлиқ қамрамоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самарасида жойларда болалар, ўсмирлар, балоғатта етган қизлар, фертил ёшидаги аёллар, умуман, аҳолини мунтазам равишда бепула тиббий куриқдан ўтказиб, зарур тиббий тавсиялар бериб бориш кенг йўлга қўйилган. Масалан, «Катти агар» қишлоқ врачлик пункти фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда жорий

— ҚВПларнинг йиғинлар билан мустаҳкам ҳамкорлиги Президентимиз раҳнамолиги мунтазам равишда бепула тиббий куриқдан ўтказиб, зарур тиббий тавсиялар бериб бориш кенг йўлга қўйилган. Масалан, «Катти агар» қишлоқ врачлик пункти фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда жорий



Ушбу сурат.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ТАРБИЯ — ИНСОН УМРИНИНГ БЕЗАГИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Одатига кўра, Орзигул Икромова ҳафтада бир кун мактабнинг юқори синф ўқувчилари билан учрашув ўтказди. Ана шундай тadbирлардан бирида синфхонадаги бўш ўриндик унинг диққатини тортди. Tadbир тугагач, бу жойнинг эгаси нима учун дарсларга қатнашмаётгани билан қизиқди.

— Аслида бу ўқувчи ҳар кун мактабга келяпти, — деди ўқитувчиси. — Аммо учинчи соатдан сўнг кетиб қоладиган одат чиқарди. Икки-уч марта гаплашиб ҳам кўрдик, наф қилмади. Бўлмаса, ўзлаштириши бийойдек эди. Шундан кейин Орзигул Икромова у яшайдиган хонадонга борди. Қараса, уй атрофи, томорқа қаровсиз ахволда. Она ҳам бепарво. Одатий саломлашув, мулозаматдан сўнг, О.Икромова

ва мудаога кўчди. Мактабда эшиттанларини гапириб берди. — Ўғлим кейинги вақтларда шунақа бўлиб қолди, — деди она хўрсиниб. — Болам пул топишга қизиқиб, қаршиликка қармай, бозорга чиқиб кетди. Аслида томорқада ҳам ишласа бўлардику-я... Орзигул Икромова маҳалла идорасига бориб, оқсоқол билан бу масалани атрофлича муҳокама қилди. Сўнгра ушбу хонадонга пар-

рандачилик билан шуғуллиниши учун 50 бош зотли товуқ беришди. Ҳашар йўли билан томорқа тартибга келтирилди. Шу кўчада яшовчи миришкор деҳқон Соҳиб ота экин-тикинга ёрдамлашиб турадиган бўлди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида хонадон ободлигига эришиб, ўқувчининг дарсларга мунтазам қатнаши ҳам таъминланди. О.Икромова Бухоро вилоятининг Жоңдор туманидаги «Навгади» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси. У Воёга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиянинг фаолиятдан бўлганлиги боис маҳаллада соғлом

турмуш тарзини қарор топтириш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, қолаверса, ёшларнинг ўйин-тилишлари, муаммолари билан боғлиқ барча ишларга ўзини масъул санайди.

— Бола тарбияси жуда нозик жараён, — дейди О.Икромова. — Болаликда унинг тарбияси, маънавиятидаги кичкина кемтиклик, кейинчалик катта муаммони келтириб чиқариши мумкин. Шу боис биз ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз.

Маҳаллада нотинч оилалар билан ишлаш, носоғлом муҳитнинг фарзандлар тарбиясига салбий таъсирининг олдини олиш юзасидан мўйайн ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳудуддаги бешта ана шундай нотинч оилаларда тушунтириш ишлари олиб борилди. Шундан сўнг, улар ўз турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартирди. Бу эса комиссия фаолиятини янада жонлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, «Навгади» маҳалла фуқаролар йиғинида бу масъулиятли вазибаларни муваффақиятли амалга оширишда етарли тажриба тўланган. Зеро, фаолларнинг бош мақсади оилалар фаровонлигини таъминлаш, соғлом, баркамол авлоди камолга етказишдан иборатдир.

Ақбар РУСТАМОВ «Mahalla»

НОЁБ ТОПИЛМА

Улкан мамонт танаси

Оҳангарон туманидаги Овжассой қишлоғи аҳолиси серёмғир кунлардаги кучли сел ўпирган жойда тупроқ сиртига чиқиб қолган йирик жисмдан ҳайратланишди.

У тоғ ҳарсангига ҳам, даракх танасига ҳам ўхшамас, суюқ бўлса керак, дея тахминлаганлар жисмининг ҳеч бир жонзот скелетига мос келмагани боис бу фикрдан қайтишди. Тезда мутахассисларга хабар берилди. Ўзбекистон миллий университетининг геология факультети илмий ходимлари ҳамда талабаларидан иборат экспедиция Овжассойда қазилма ишларини бошлаб юборишди. Қишлоқ аҳли палеонтологияда мутлақо янгилик ҳисобланган ноёб топилманинг қўлга киритилганини, ушбу ҳудуд эндиликда фан оламида машҳур бўлишини ҳали билишмасди. Мутахассислар томонидан аниқланишича, ушбу жисм жануб мамонти тишлари экан. У тахминан

1 миллион 200 — 1 миллион 800 ёшга тенг. Узунлиги 4 метрли дандон тишлар 100 килограмм оғирликка эга. Улкан жонивор танасининг қолган қисми ҳам худди шу ерда — сой ўзани яқинидаги жарлик тағида. Ҳозирча мамонтнинг фақат тишлари қолган бўлиб, танани ер остидан тўлалигича чиқариш учун кенг қўламли ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Олимлар фикрига кўра, жануб мамонтиларидан бундан 12 минг йиллар аввал табиатда рўй берган иқлим ўзгаришлари натижасида қирилиб кетган. Бундай топилма дунёнинг санокли мамлакатиде борлиги билан ҳам жуда ноёбдир.

Шаҳина БОНУ.



Кўмак юклари етказилмоқда

Кўплаб хорижий давлатлар 10 мингдан ортиқ одамнинг ўлимига сабаб бўлган «Ҳайян» тўфони оқибатларини бошдан кечириётган Филиппинга инсонпарварлик ёрдами жўнатмоқда.



Бошпанасиз қолган ўн минглаб одамга озиқ-овқат, иссиқ кийим, кўрпак-тўшак ва чодирлар етказиб берилмоқда. Айрим давлатлар ўзларининг му-

тахассислари ҳамда техникалари билан қидирув-қутқарув жараёнида иштирок этмоқда. БМТ ҳисоб-китобларида кўра, сунгги юз йилликдаги энг вайронкор тўфон, дея аталаётган мазкур табиий офат натижасида 9,8 миллионга яқин одам талафот кўрган. Филиппин оролларида катта қисмига улкан тўқинлар эпирлиши оқибатида кўплаб аҳоли турар-жойлари ер билан яқсон бўлиб, минглаб киши чўкиб кетди.

Тўфон Вьетнамнинг Хитой билан чегарадош шимолӣ ҳудудларида ҳам ёгингарчиликларни келтириб чиқарган.

Илк ҳарбий академия

Афғонистонда биринчи ҳарбий академия очилди.



10 минг нафар аризадан 270 киши академиянинг биринчи талабаларини сифатида танлаб олинди.

Британия кўмагида ташкил этилган мазкур даргоҳда жаҳондаги энг илгор таълим тизимини жорий этилади. Булажак зобитларни Дания, Британия, Норвегия, Янги Зеландия ва Австралиядан келган ўқитувчилар тайёрлайдилар.

Халқаро кўшинлар Афғонистондан чиқиб кетиши арафасида — жорий йил маҳаллий армия хавфсизликни таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олган. Ҳозирда афғон армиясида 150 мингга яқин аскар хизмат қилмоқда.

Интернет маълумотлари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.

Advertisement for Asaka Bank (OAJ) featuring a woman holding a book and text about bank services and deposit rates.

Advertisement for 'Dokhalar' (Dokhalar Bneomindar) featuring a scroll graphic and text about a book or publication.

Advertisement for 'Makhalla' featuring a soccer game image and text about sports and community activities.